

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ,
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

10-НИЛ ЧИҚИШИ
№ 120 (2411).
19
И Ю Н Ъ
ЧОРШАНБА
1963 ЙИЛ
БАҲОСИ
3 ТИПИН.

КОСМОНАВТЛАР Биковский ва Тереш- кова ўртоқларга

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми, Пленумининг ҳамма қатнашчилари сизларни — Ватанимизнинг довурак ва мард ватанпарварларини қизгин ва самимий табриқлайдилар.

Сизларга биргаликда тарихий космик парвозингизни муваффақиятли тугаллашингизни тилаймиз.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ.

1963 йил 18 июнь.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИГА, ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВГА

Марказий Комитет Пленумининг қатнашчилари биз — космонавтларни шу қадар самимий табриқлаганликлари ҳақидаги хабарни бизлар зўр шодлик билан эшитдик, қизгин салом ва яхши истаклар учун самимий ташаккур айтмиш.

КПСС Марказий Комитетини ва шахсан Сизни, азиз Никита Сергеевич ишонтириб айтмишмики, бизларга берилган топшириқни бажариш учун ҳамма ишларни қилдимиз.

Ленин партиясига тўён-шарафлар!
Космонавтлар: БИКОВСКИЙ, ТЕРЕШКОВА.

1963 йил 18 июнь.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1963 йил 18 июнда Катта Кремль саройида КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилди. Пленумни КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ очди.

Пленум кун тартибига «Партия идеология ишнинг навбатдаги вазифалари» деган масала қўйилган. КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. Ф. ИЛЬИЧЕВ доклад қилди.

Марказий Комитет Пленумининг ишида иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, шунингдек идеология бўлимларининг мудирлари, ўлка ва область саноат ва қишлоқ партия комитетларининг Марказий Комитет составига кирмаган биринчи секретарлари, саноат ва қишлоқ ўлка ва область партия комитетларининг идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари, округ партия комитетларининг, баъзи шаҳар партия комитетларининг ва йирик саноат марказларидаги район партия комитетларининг биринчи секретарлари, баъзи саноат-ишлаб чиқариш партия комитетларининг ва энг муҳим қишлоқ хўжалик районларидаги колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетларининг секретарлари, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигидаги йирик партия ташкилотларининг секретарлари, иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетларининг ҳамда бир қанча ўлка ва область комсомол комитетларининг биринчи секретарлари, СССР Фанлар академияси, Ижтимоий фанлар академияси, Марксизм-ленинизм институти, Олий партия мактаби, мар-

казий газеталар ва журналлар, радио ва телевидение, ТАСС, «Знание» Бутуниттифоқ жамияти ҳамда бошқа марказий идеология муассасалари ва ташкилотларининг раҳбар ходимлари, ёзувчилар, рассомлар, композиторлар союзларининг вакиллари, театр арбоблари, СССР ва иттифоқчи республикалар кино ходимлари ташкилот комитетининг вакиллари; иттифоқчи республикалар Министрлар Советлари раисларининг маданият масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, иттифоқчи республикаларнинг маданият, олий ва ўрта махсус таълим, маориф министрлари, радиоэшитириш ва телевидение комитетларининг раислари, телеграф агентликларининг раҳбарлари, СССР ва РСФСР Давлат комитетларининг раислари, иттифоқчи республикалардаги Фанлар академияларининг президентлари ва Марксизм-ленинизм институти филиалларининг, партия мактабларининг директорлари, республика, ўлка ва область газеталарининг редакторлари, иттифоқчи республика, ўлка ва область нашриётларининг директорлари, олий ўқув юртлари ва мактабларининг ўқитувчилари, пропагандистлар, агитаторлар, клублар ва кутубхоналарининг ходимлари, Куролли Кучларнинг партия-сиёсий ходимлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва СССР Олий Совети Президиумининг, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Партия-давлат контроли комитетининг масъул ходимлари қатнашмоқдалар.

«Восток-5» ва «Восток-6» кемалари бортдан—космонавт-

лар В. В. Терешкова ва В. Ф. Биковский ўртоқлардан Пленум номига табрикнома олинди.

Пленум қатнашчилари космос қаҳрамонларига гулдурос қарсақлар остида табрикнома юбориб, уларнинг парвози муваффақиятли тугалланишини тиладилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. Ф. Ильичевнинг «Партия идеология ишнинг навбатдаги вазифалари» ҳақидаги докладыни муҳокама қилиш бошланди. Кеңкурунги мажлисда Н. Г. Егоричев (КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари), Г. И. Попов (КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари), А. Д. Скаба (Украина КП Марказий Комитетининг секретари), С. В. Михалков (РСФСР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари), В. П. Елютин (СССР олий ва ўрта махсус таълим министри) ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда раислик қилувчи ўртоқ Л. И. Брежнев «Восток-5» космик кемаси бортдан—космонавт ўртоқ Биковскийдан радиограмма олинганлигини, бу радиограммда ўртоқ Биковский ўзини КПСС сафига қабул қилишни КПСС Марказий Комитетидан илтимос қилганлигини айтди. КПСС Марказий Комитети ўртоқ Биковскийнинг шу илтимосини қараб чиқиб, уни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси аъзолигига қабул қилишга қарор қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

ПАРТИЯ ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида 1963 йил 18 июнда
КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Л. Ф. ИЛЬИЧЕВ доклади

Ўртоқлар! Ленинчи партиямиз ва унинг Марказий Комитетининг XXII съездан кейинги бутун фаолияти битта максатга — съезд қарорларини, КПССнинг янги Программасини — коммунизм қурилишининг улғувор программасини амалга оширишга қаратилди.

Марказий Комитет бундан аввалги икки Пленумда мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир жуда муҳим масалаларни ҳал қилди. Навбатдаги Пленум тўғрисидаги масала КПСС Марказий Комитетининг Президиумида муҳокама қилинаётган вақтда Н. С. Хрущев партиянинг идеология ишида доир вазифаларини қараб чиқиш ҳақида таклиф қилди. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши масалалари, халқ хўжалигига раҳбарлик масалалари, деҳи, ўтган йили март ва ноябрь Пленумларида ҳал қилингандан кейин идеология проблемаларининг муҳокама этилиши тамомилан қонуний бир ҳолдир.

Биз коммунистнинг қурилишининг ҳамма фронтларида актив ҳужум қилмоғимиз керак. идеология фронти эса коммунизм ғалабаси учун курашда энг муҳим фронтлардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Владимир Ильич Ленин, социализм учун курашчиларнинг ҳаммасини гоявий бирлаштирувчи революцион назария бўлмаса, ишчилар синфининг жағовар партияси ҳам бўлиши мумкин эмас, деб таълим берган эди. Партиямизнинг тарихи — революцион оммаини, социализм ва коммунизм кўрвучиларини гоявий қуроллантириш тўғрисидаги идеологик қурулғисини доимо такомиллаштириш ҳақидаги ленинча ғамхўрликнинг жонли тисмоллидир.

Партия чуқур ва ҳар тарафлама идеология иши олиб борамаганида совет халқи жуда катта ғалабаларга эриша олмас эди. Буюк идеяларгина буюк қаҳрамонликларни бунёдга келтиради, халқ ҳар қандай вазифаларни онгли равишда ҳал қилган тақдирда, шундай вазифаларни муваффақият билан амал-

I. КОММУНИЗМНИНГ ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРИ ВА ИККИ ИДЕОЛОГИЯНИНГ КУРАШИ

Ўртоқлар! Бизнинг партиямиз ўтмишда ҳамма жиҳатдан қолок бўлган мамлакатни социал-иқтисодий тараққиёт чўққиларига кўтарган буюк яратувчи куч бўлиб тарихга кирди. СССРда социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қилганди. Ватанимиз коммунизмнинг бошланғич марраларига чиқиб олганлиги партия ва халқ фаолиятининг асосий яқинидир. Советлар дерида ленинча идеялар, ленинизмнинг революцион руҳи тантана қилмоқда.

Сўнгги ўн йил ленинча идеялар ғалабаси учун кураш тарихида алоҳида ўрин тутади. Ана шу йиллар мобайнида юз берган иқтисодий-сиёсий қийинчиликлар ўзининг чуқур мазмунини ва миқдосларини билан ҳозирги авлоднинг тақдирини асос, балки келажак авлодларнинг тақдирини ҳам мислсиз таъсир қўрсатди.

1. СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИНИНГ ҲАЁТИДАГИ БУЮК ЎН ЙИЛЛИК

Советлар мамлакатининг ҳаётида ўтган йилларга назар ташлар эканмиш, ҳаммамиз шу нарсани кўрамизки, бу давр партиянинг ички ва ташқи сиёсатида, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда, халқ фаровонлигини оширишда, марксизм-ленинча назария масалаларини иқбодий ишлаб чиқишда, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликдан иборат ленинча сиёсатни амалга оширишда жуда катта ғалабалар билан ишчиланди.

Халқимиз, партиямиз ўтган ўн йиллик билан фахрланиш-

га охирилади. Сўнгги йилларда партия идеология ишига катта эътибор бермоқда. XX, XXI, XXII съездаларда, партиянинг янги Программасида, КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида КПСС Марказий Комитетининг идеология масалаларида доимо қарорларда меҳнаткашларни гоявий-сиёсий таъбиқлашнинг энг муҳим проблемалари ҳал қилиб берилди. Партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан яқинда ўтказилган учрашуви, Н. С. Хрущевнинг нутқи катта умумидеология аҳамиятига эга бўлди.

Марказий Комитетининг Пленуми идеология масалаларига бағишлаб қабулланганлиги — меҳнаткашларни коммунистлар рўҳда, тарбиялаш тўғрисида партия ғамхўрлигининг яна биоифодаси, партиянинг, бутун халқнинг гоявий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеадир.

Советлар мамлакатини буюк кураш йўлидан бориб, коммунизм учун ҳал қилувчи жангин кенг қулоқ оттирмоқда. Шунинг билан партия идеология ишнинг савиясини ошириб, уни сўнгги йилларда совет жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларида бўй берган социал-иқтисодий ўзгаришларга мувофиқ йўлга солишни зарур, деб ҳисобламоқдаки, бу тамомилан таъсир бир нарсасидир.

XXII съездан буюк кўп вақт ўтгани йўқ. Идеология ишнинг съезд қўрсатиб берган асосий принципларини партиямиз оғишмай ва изчиллик билан амалга ошириб келмоқда.

Ушбу Пленумнинг қақирлиши ҳақидаги ахборот эълоқ қилингандан кейин гоявий-тарбиявий проблемаларга эътибор янада ошди. Меҳнаткашлар КПСС Марказий Комитетига, газетга ва журналларнинг редакцияларига юборган жуда кўп хатларида кимматли таклифлар ва маслаҳатларни айтдилар. Ана шундай таклифлар ва маслаҳатларнинг кўпи Пленум муҳокамаига тақдим қилинаётган докладда маълум даражада ҳисоба олинди.

Ҳақлидир, ана шу ўн йиллик коммунистнинг қурилиш тарихига қорлоқ саҳифа бўлиб қиради. **Экономика соҳасида** — бу, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари ўтмишда ҳар қачон бўлганига нисбатан янада туркираб ривожланган, Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мулоффа қудрати ҳал қилувчи даражада мустаҳкамланган давр, капитализм билан иқтисодий мусобақада тубдан бурилиш юз берган давр бўлди.

Асосий иқтисодий кўрсаткичларини олиб кўрайлик. Ўн йил ичида саноат ялпи маҳсулотини ишлаб чиқариш қарийб уч баравар, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотини ишлаб чиқариш 67 процент кўпайди. Пуллат эритиш, нефть чиқариш, электрэнергия, металл қирқувчи станоклар, тракторлар, цемент ишлаб чиқариш соҳасида эришилган ўсиш бундан аввалги бутун 35 йил мобайнида ана шу турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида эришилган ўсишдан анча ошиб кетди. Совет ҳокимиятининг қирқ йили мобайнида деҳча химия маҳсулотини ишлаб чиқарилган бўлса, фақат КПСС Марказий Комитетининг 1958 йил май Пленумидан кейин ўтган беш йил ичида қарийб ана шунча миқдорда химия маҳсулотини ишлаб чиқарилди. Экин майдонлари 1918 — 1952 йилларда 37,5 миллион гектар бўлган бўлса сўнгги йил ичида 60,2 миллион гектарга етди. Шу давр ичида деҳ экинларининг ялпи ҳосили кўпайиб, 0,4 миллиард пулдан 3,4 миллиард пулга, гўшт ва ёғ 0,2 миллион тоннадан 4,2 миллион тоннага, сут 6,3 миллион тоннадан 28,3 миллион тоннага етди.

Совет ҳокимияти барпо қилинган, 1952 йилгача ўтган ҳамма йиллар мобайнида халқ хўжалигига солиштирма нархларда 132,4 миллиард сум капитал маблағ солинган бўлса, сўнгги ўн йил ичида 280,5 миллиард сум капитал маблағ солинди, 8,400 га йирик саноат корхонаси ишга тушрилди. Миллий даромад қарийб икки ярим баравар кўпайди.

Халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини оширишда катта ютуқларга эришилди.

Ижтимоий истеъмол фондлари 1952 йилдаги 12,9 миллиард сумдан 1962 йилда 28,4 миллиард сумга етказилди. Товар обороти 2,6 баравар кўпайди. Уй-жой қурилишининг суръатлари кенг миёсда олиб борилиши жиҳатидан Совет Иттифоқи жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олди. Сўнгги ўн йил ичида шаҳарлар ва ички посёлаларда жами сатҳи 596 миллион квадрат метр уй-жойлар фойдаланишга топширилди, баҳошонли, Совет ҳокимиятининг бундан аввалги бутун 35 йили мобайнида 373 миллион квадрат метр уй-жой қурилган эди. Сўнгги ўн йилда 7,5 миллиондан кўпроқ болага янги мактаблар, тахминан уч миллион болага боғча ва яслилар қуриб берилди, минглаб клублар, кутубхоналар, театрлар ва маданият уйлари барпо этилди.

Илим-фанни ривожлантиришдаги халқ қилувчи ғалабалар айни мана шу ўн йил ичида қўлга киритилди. Ватанимиз ҳозирги замон фани ва техникаси тараққиётининг асосий йўл муҳим соҳаларида алғор марраларга қийиб олди. Совет фани ва техникасининг муваффақиятлари космосни ўзлаштиришда айниқса яққол ифодасини топди. Бизнинг Ер йўлдошларимиз ва космик кемаларимиз совет фанининг обрўсинини ва қудратини ҳам юксакликка кўтармоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми арасида жаҳон Советлар мамлакатини эришган янги улғувор зафарли тавтананинг шохиди бўлди ва қойил қолди — ичида одами бўлган бешинчи ва олтинчи кемалар космосга учирилди. Биринчи космонавт киз Валентина Терешкованинг кемаси Валерий Биковскийнинг ёнига, Ер теварагидagi орбитага чиқиб олганлигидан барча совет кишилари ва, албатта, айниқса хотин-қизлар бениҳоя тўққинлилик чексиз хурсанд бўлдилар. Довурак ва ботир ватанпарварларимизга КПСС Марказий Комитети Пленуми қатнашчилари номидан астойдил, самимий табриқлар йўллашга ва биргаликда қилдетиш тарихий космик парвозларини муваффақиятли тугаллашларини тилашга руҳсат берайсиз!

Сиёсий соҳада — бу ўн йиллик социалистик демократия, коммунистлар ва барча меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги чинакам рамақ топганлиги. Коммунистик партиянинг мамлакат ҳаётидаги роли янада ошганлиги билан характерланади.

ЎРТОҚ В. Ф. БИКОВСКИЙГА

Радиограммаларингиздан бирида Сиз ўзингизни Ленин партияси сафига қабул қилишни илтимос этгансиз.

КПСС Марказий Комитетини бу илтимосни қараб чиқиб, Сизни КПСС аъзолигига қабул этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари
Н. ХРУШЧЕВ.

1963 йил 18 июнь.

И. В. Сталиннинг шахсига ситғиниш қўлгина дардлар ишлар ва даҳазалар қолдири. Шахсга ситғиниш оқибатларини тугатиш партия ва мамлакат ҳаётида ленинча нормаларни қўпол бузишларнинг оғир юкидан, экономика ва сиёсатда субъективизмдан, назарияда догматизмдан йўлни таъомилга тозаллаб олиш кераклигини билдирар эди. КПСС Марказий Комитети шахсга ситғиниш ва уни фойда қилиш зарурлиги ҳақидаги масалани кўтарган пайтда, гўё партия билан халқ бу таъбирни тушунамайдиган ҳамда Марказий Комитетни қўлла-қувватламайди, деган ноумид кишилар чакриб қолди.

Хўш, натижада нима бўлди? Шахсга ситғиниш фойда қилиш ва унинг оқибатларига қарши кураш партиянинг, унинг ленинчи Марказий Комитетининг жуда катта маънавий-сиёсий ғалабаси билан аққуланганлигини энди дақиқ ақида-парастлардан бўлак ҳеч қим инкор қила олмайди!

Шахсга ситғинишнинг бағоятга қилиш ҳам ҳар қандай революцион ҳаракат сингари осонлик билан бўладиган иш эмас эди. Бу иш ҳам мамлакатининг ичарисидан, ҳам ташқарисидан маълум қийинчиликлар ва мушкулликлар билан боғлиқ эканини партия олдиндан кўрди. Ленин партия шахсга ситғиниш тўғрисидаги ҳақиқатни виждонан ва ошқоқра айтиб, қийинчиликлар томон дадил юрди, жуда катта қарқин ва принципиаллик кўрсатди. Тарих осон йўللари билмайди, революцион сиёсат олдиндан тайёрлаб қўйилган йўллари билмайди. Фақат коммунистлар партияси — улғу Ленин тузган ва тарбиялаган революционерлар партияси — шуандай қадамни қўйишга журъат қила олди. Халқ партияни ва унинг ленинча йўлини тушуниб, уни чин юрагидан, чин қўнғидан батамом қўллаб-қувватлади!

Албатта қўлдамги тошқин сув қирғоқларни ювиш билан бирга хор-хас ҳам олиб келади. Хўш, юз берилиш муқаррар бўлган қийинчиликлар натижасида қандай хор-хас юзага чиқиб қолди.

Социализм душманлари шахсга ситғиниш оқибатлари тугатилиши билан партия ва халқ амалга оширган ҳамма ишлар ҳисобдан чиқариб юборилади, халқ таллаб олган тарихий йўлни тўғрлиги шубҳа остига солиб қўйилади, деб мулжаллаган эдилар. Дарҳақиқат, сиёсий жиҳатдан гўр ёки аламада бўлган айрим одамлар буржуа пропагандасининг қармоғига илиниб ва халқ билан партиянинг ўтмишини қоралашга, партия аллақачонлар тор-мор келтирган анти-ленинчи трошқинчи ва ўнг оппортунистик қарашларини жонлантиришга уриниб кўрдилар.

Ленин партия ўзини тўғри йўлдан чапчилишга йўл бермади. XX съездининг бутун халқ маъқуллаган ленинча йўли изчиллик билан ва оғишмай амалга оширилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, МОСКВА, КРЕМЛЬ

Менга юксак ишонч билдириб, КПСС сафига қабул қилганлик учун жонажон Коммунистик партиямизга чин қўнғидан ишондорчилик изҳор қиламан. Мен Сизнинг ишончигизни оқлайман. Ватан ва партия топшириги жуда яхши бажарилади.

Космонавт БИКОВСКИЙ.

1963 йил 18 июнь.

Ўртоқ Л. Ф. ИЛЬИЧЕВ доклади

(Бош 1, 2, 3, 4 ва 5-бетларда)

Ижодкор интеллигенциянинг партиянинг мамлакатда адабиёт ва санъатнинг янги юксалтириш ҳақидаги ғамхўрлиги амалий иш билан жавоб бермоқдалар. КПСС Марказий Комитети Пленуми арасида совет ёзувчиларидан юз киши ўз иши ва ижодий планлари ҳақида «Правда» саҳифаларида

сўзлаб берди. Бу — ёзувчиларнинг КПСС Марказий Комитети Пленумига, партияга коллектив рапортидир.

Ҳеч шубҳа йўқки, ҳам кекса, ҳам ёш ёзувчилар, композиторлар, rassomлар, кино ва театр арбоблари коммунизм курилатган буюк давримизга муносиб янги асарлар яратдилар.

IV.

ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИ—ИДЕОЛОГИЯ ИШИДА МУВАФФАҚИЯТ НЕГИЗИ

Ўртоқлар! Ленинизм жамиятга раҳбарлигини, партиянинг бутун сиёсатини мустақим илмий пойдевор устига қўйиб, жамиятга илмий асосда раҳбарлик қилиш принципларини пуқта белгилаб бермоқда.

Бу принциплар нимадан иборат?

— Аввало, тарихнинг чинакам ижодкори бўлган халққа чуқур шиош, сиёсий йўлни омма манфаатларини қўзлаб белгилаб билишдир.

Жамиятга илмий асосда раҳбарлик қилиш учун ижтимоий тарихнинг қонунийлигини аниқлаб олишнинг ўзи камлик қилади. Олтинчи чексиз ишонччи ва қўзлаб-қуватлашчи сазовор бўлиш ҳам керак. Омма билан уюлмас алоқа, меҳнаткашларнинг манфаатлари ҳақида ғамхўрлик — партия фаолиятининг олий қонунидир. Назария билан практиканинг бирлиги, партия сиёсатини тинимай тушунтириб бориш ва амалга ошириш, сиёсий йўлни омманинг тажрибаси билан муттасил текшириб туриш — илмий асосда раҳбарлик қилишнинг доимий талабидир. Ана шу принципдан чексиз субъективизм ва авантюризмга олиб боради.

— Иккинчидан, ижтимоий процессларга конкрет-тарихий муносабатда бўлиш, вазиятни аниқ ҳисобга олиш, воқеалар замирида асосий халқани ажрата билиш ва кучларни жой-жойига турти қўй билишдир.

Конкрет воқеликни конкрет аниқлаш — ленинизмнинг асл моҳияти, унинг тирин жонидир. Шундай анализ бўлмаса, илмий сиёсат бўлмайди. Сиёсатда реал имкониятларни камситишга, бир ҳақалик ютуқни деб асосий нарсани назар-писан қилмасликка, вақтинча манфаатларни умуман бутун ҳаракат манфаатларидан усту қўйишга уриниш, истакни имкониятлар, объектив қонуниятлар билан мослаштириш билмасликдан ҳам кўра хатарлироқ нарсаси йўқ. Шу ҳилдаги уринишларни қилиб қўраётган кишилар нақадар ахши ниятларга амал қилишсини, уларнинг планлари нақадар жонивдор ва қийинқарли бўлмасин, бу — хамиша фақат қўруқ маъиловчилик ёки сўзларча авантюризм бўлиб қолади, холос.

— Учинчидан, партиянинг раҳбарлик ролини, унинг ижтимоий ҳаёт процессларини йўлга солиб туриш соҳасидаги ҳуқуқлари ва вазифаларини аниқлаш этидир.

Фақат партияга ҳамма меҳнаткашларнинг асл манфаатларини ифода қилади, халқ тақдирини учун асосий жавобгар партия эсимасидир. Коммунизм — жамиятнинг ташкил қилинишининг энг олий формасидир. Анаҳини ва тартиб-наизлик коммунизм принципларида чуқур думамандир. Коммунист жамиятининг бутун руҳи, асл моҳияти юксак даражада уюшқонлиқни, интизомлиликни, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларида ягона раҳбарлигини талаб қилади.

— Ва, низоҳат, коммунист қўрилиш вазифаларини ҳал қилишга илмий муносабатда бўлишни юқоридан қўйишга партия, давлат, жамоат ташкилотларининг ҳамма звеноларига таъин этидир.

Коммунизм сари йлтирилаб борган сайин жамият ишла-

ри учун жамият ҳамма аъзоларининг масъулияти орта беради. Шу сабабли марксизм-ленинча назарияни чуқур ўрганиб олиш, унда амалий ишда ижодий фойдалана билиш, ўз ишнинг илмий асосда қилиш — ҳар бир коммунистнинг ҳусусан, партиянинг раҳбар кадрлари олдида қўйилган энг муҳим талабидир.

Партия ўзининг бутун фаолиятини, шу жумладан идеология соҳасидаги фаолиятини илмий асосда қўради, совет жамиятини ривожлантиришга илмий асосда раҳбарлик қилади.

XXII съезд, КПСС Программаси идеология соҳасидаги фаолиятнинг мақсадлари, йўналиши ва асосий вазифаларини аниқ белгилаб берди. Бу фаолиятнинг муваффақияти эндиликда партия қўрилган ва ташкилотлари олиб борадиган ташкилотчилик ишнинг савиясига боғлиқ. Ҳар қандай ташкилий-ҳўжалик ёки сиёсий таъбир идеологиянинг ёрдами талаб қилганда, гоъий-тарбиявий иш ҳам ташкилий ишнинг ёрдами талаб қилади.

Идеология иши билан ташкилотчилик ишнинг бирлиги — партия фаолиятининг ҳеч сўзсиз шартидир.

Партия ташкилотлари идеология иши билан ташкилотчилик ишнинг бир-бирига самарали боғлаб олиб бориб, омма орасида сиёсий иш ўтказишда ҳар тарафлама зўр таърибга эришди. Партия раҳбарлигининг ишлаб чиқариш принциплари асосида қайта қўрилган мамлакатда идеология иши савиясини ошириш, унинг конкретлигини, жанговарлиги ва таъсирчанлигини кучайтириш учун қўлай имкониятлар ярати берди. Лекин ўзбўларчиликка, ҳамма ишнинг ўз-ўзидан бўлиб кетишига умид боғлаш ярамайди.

Одамлар билан кун сайин жанговар, конкрет, ташкилотчилик ва тарбиявий иш олиб бориш — партия ташкилотларининг фаолиятида асосий вазифадир.

Қанча яхши қарорлар чиқарилмасин, ҳамма коммунистлар ва партиячилар ана шу қарорларни бажариш учун қўрашга сафарбар этилмагунча бу қарорлар амалга ошмай қоларлар. Шу сабабдан меҳнаткашларнинг барча жамоат ташкилотлари ва аввало Советлар, касаба союзулар, коммунист ёшлар союзининг қўлидан тарбиявий ишда тулиқ фойдаланиш зарур.

В. И. Лениннинг фикрича, меҳнаткашлар депутатлари Советларида омма коммунист қўрилиш ишини, янги ижтимоий интизомни барпо этишни ҳақиқатан киноблардан эмас, балки ўзининг амалий таърибасидан ўргана бошлайди. Советлар меҳнаткашларнинг сиёсий ташкилоти, бутун халқ учун ижтимоий ўз-ўзини бошқариш мактабидир. Худди мана шунинг учун ҳам коммунизм сари йлтирилаб борганимиз сарин Советларнинг бу роли беқиёс даражада ошаваради.

Советларнинг составида қарийб икки миллион депутат, йигирма миллион актив бор.

Бу гоят катта кучдир ва бу куч маданий қўрилиш соҳасида, кишиларни коммунист руҳда тарбиялашда қўл нарсаларини қилиши мумкин. Бутун масала шундаки, Советлар

нинг маданий-тарбиявий ишларини яхши уюштириш, Советлар атрофида бирлашган кучларни ҳақиқатан маданиятни ошириш учун, янги аҳдоқнинг барқарор бўлиши учун қўрашга кўтармоқ ва ҳаракатга келтириш керак.

Маданий-тарбиявий иш — меҳнаткашлар депутатлари Советларининг энг муҳим вазифасидир.

Касаба союзулар олтмиш олти миллион кишини бирлаштирган. В. И. Ленин касаба союзуларини коммунизм мактаби деб айтган эди. Совет касаба союзуларига кенг ҳуқуқлар берилган, меҳнаткашларни коммунист руҳда тарбиялаш учун уларнинг катта воситалари ва имкониятлари бор. Ҳақиқатан ҳам улар коммунист меҳнат ҳаракатини уюштириш, янги техникани жорий қилиш, ишлаб чиқаришни тақомиллаштириш юзасидан катта ишлар қилмоқдалар. Эндиликда вазифа шундан иборатки, касаба союзуларнинг тарбиячилик вазифасини ҳар томонлама кучайтириш керак.

Коммунист ёшлар союзи каторларида совет ёшлари ўзининг ўн йиллик умрини ўтказди. Комсомол сафида йигирма миллиондан ошмиш ёшлар бор. Ёшларни тарбиялаш соҳасида комсомол катта ишлар қилмоқда. Ленин у В. И. Ленин вазиятларини, партиянинг талабларини бажармоқ учун яна кўп ишлар қилмоқчи лозим.

Ёшлар билан ишлайдиган ҳодимлар орасида бемаҳал қариб қолган, ёшларнинг иш ўйин-кулисини тушунайдиган бўлиб қолган, ёшларнинг катта ишлар қилишга интилишини, дини ҳамма нарсасга қизичилигини ва синқовлигини тушунайдиган бўлиб қолган кишиларни учратиш мумкин. Ёшларга гоъий жўнатилган таъсир қўратишнинг формаларини доимо тақомиллаштириб ва хилма-хил қилиб бориш керак. Кўпроқ ташаббускорлик, ижодкорлик, тайрат бўлиши, ҳар бир ёш кишига меҳрибонлик ва эътибор кўпроқ бўлиши — асосий масала ана шундан иборат.

Жамоатчилик асосида ишларни ривожлантиришга қарата партиянинг тутган йўли ижодий натижалар берди. Меҳнаткашларнинг жуда кенг табақалари актив жамоат ишларига қўшилди. Шунга эришмоқ зарурки, қўлдан қўл жамоат ташкилотлари, советлар, комсомоллар, уюшқонлик билан ишласинлар, партия ташкилотлари уларнинг ишга йўл қўраб олиб боришлар ва уларнинг ишнинг бир-бири билан боғлаб олиб боришлар.

Идеология соҳасидаги ишларда жамоатчилик асосларини ривожлантириш партия раҳбарлигига талабни пайсатирмасдан, балки ошмалади.

Идеология ишга партиянинг раҳбарлик қилиши бўшашини жойда гоъий-тарбиявий ишда албатта узилмиш юз беради.

Маълумки, Москва расомол союзида ва ёзувчилар союзининг Москва бўлимида ёзувчилар ва расомолнинг баъзи бир қисми бадий ижода соғлом бўлмаган тенденцияларга амал қилган, бу ташкилотларда гоъий-тарбиявий ишлар бўш қўйилган эди. СССР Маданият министрлигиде жумладан театрларнинг, концерт ташкилотларининг репертуарларини тузишда тайрат билан раҳбарлик қилишни қўлиш мумкин эди. Ўрта ва олий таълимга раҳбарлик қилаётган министрликлар олдида ҳам жиддий талаблар қўйиш лозим. Улар ёш авлодини тарбиялаш соҳасидаги мактабни турмуш билан боғлашни тўғрисидаги қонуни амалга ошириш соҳасидаги қамчиликлар учун жавобгардирлар.

Идеология соҳасидаги ишларнинг аҳоли учун ҳамма коммунистлар жавобгардирлар. Коммунист партияга қиратганида коммунист идеология принципларини амалга ошириш учун катта жавобгарлигини ўз зиммасига олади.

Албатта партия ҳодимлари, идеология муассасаларининг ҳодимлари, олимлар, ижодий интеллигенция, яъни партия илмий дунё қарашини шакллантириш билан бевосита шугулланган, меҳнаткашларнинг маданиятини юксалтиришни тоширган барча кишилар айниқса муҳим роль ўйнайдилар.

Партияга, айниқса идеология соҳасида чиновниклар эмас, балки коммунист идеаллари амалга оширадиган мард курашчилар керак. Кўпинча бухгалтерни, кўрс директорни ёки кўпол муомала қилувчи ўй бошқарувчисини бюрократ шаклида таъсирлаб қўрсатилади. Лекин бюрократнинг қиёфаси хилма-хилдир. У кишиларни тарбиялаш каби жонли, ижодий ишда ҳам уя қўриб олиши мумкин. Бундай бюрократ эса мунг марта хавфлироқ, чунки у кишиларга маънавий эиён етказиши мумкин.

Сўз билан иш бир бўлсин, партиявий ижодкорлик руҳи жонли бўлсин — партия ўзининг идеология соҳасидаги кадрларидан мана шун талаб қилмоқда.

Ҳар бир коммунист партиянинг актив жангчиси, унинг идеалларини сабот-матонат билан амалга оширувчи бўлмоғиллозим.

Бизнинг партиямиз идеология ишига раҳбарлик қилишнинг ҳеч ким билан баҳам қўрган эмас ва баҳам қўрмайди. Партиямиз марксизм-ленинча фаига амал қилиб мамлакатнинг бутун гоъий ҳаётига йўл қўрсатиб келди ва бундан буюк ҳам йўл қўрсатиб туради. Совет Иттифоқи Коммунист партияси совет халқининг сиёсий ва маънавий йўлбошчисидир.

Ўртоқлар!

Ленинчи партиямиз олдида, совет халқи олдида коммунист жамият қўриш каби улугвор ва илҳомбахш мақсад туртиди.

Бу мақсадга муносиб бўлиш, бу мақсадни амалга оширишга иштирокчи бўлиш — коммунист учун. Совет Иттифоқи граждани учун бундан ҳам гўзалроқ нарсас бўлиши мумкин эмас! Куба революциясининг йўлбошчиси ўртоқ Фидель Кастро совет халқини «гигант халқ» деб атади. Унинг бизнинг партиямиз ҳақида, партиямиз ва давлатимизнинг раҳбари Никита Сергеевич Хрушчев ҳақида айтган жўшқин сўзлари чин юракдан айтилган самийий сўзлардир, бу сўзлар қаҳрамон Куба халқининг чин юракдан чиққан самийий сўзлардир.

Ўртоқ Фидель Кастронинг сўзлариде бу қадар самийият ва гўлқилланиб айтилган яхши қарошлик сўзлари учун, оташин дўстларни ҳис-туғилури учун совет халқи ўзининг чуқур миннатдорчилигини билдиради.

Биз ажойиб замонда яшамокдамыз. Ҳозирги кунда бизнинг мамлакатимизда инсониятнинг энг яхши мутафаккирлари асрлардан буюн оруз қилган нарсалар муваффақиятларини равишда амалга оширилмоқда, — ер юзида энг оқилона ва одилона, энг инсонпарвар жамият — коммунизм қўрилмоқда. Владимир Ильич башорат қилиб айтгандек инсоният ҳақиқатан ҳам «таракатнинг янги, фақуллода порлоқ имониятлар келтиридан босқинча» ўтгалди совет халқининг фидокорона меҳнати ва фидокорона кураши билан, унинг эришган буюк ютуқлари билан эндиликда яққол исбот қилиб берилади.

Бизнинг шонли партиямиз, унинг ленинчи Марказий Комитети даврининг ҳақиқий ақл-идроки бўлиб майдонга чиқмоқда, тинчлик ва коммунизм ишнинг галабаси учун ҳармай-толмай курашмоқда. Уруш оловини ёнгишга уринувчи империалистларнинг вас-васига тушишларининг сабаби шунки, улар ўзларининг тарихан ҳалокатга маҳкум эканликларини сезмокдалар. Бизнинг ишимиз эса энгилмасдир!

Партиямизнинг ленинча раҳбарлиги, халқимизнинг битмас-тутанмас революцион тайрат коммунизм тўла ташанна қилишининг гаровидир!

(Ўртоқ Л. Ф. Ильичевнинг доклади зўр эътибор билан тингиланди ва бирнеча марта қарсақлар билан бўлиниб турди).

СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИНИНГ МИСЛСИЗ ЖАСОРАТИ — ЛЕНИН ПАРТИЯСИ ҒОЯЛАРИНИНГ БУЮК ТАНТАНАСИДИР

ТАСС АХБОРОТИ

Валерий Биковскийнинг космосдаги тўртинчи меҳнат кўни тугалланмоқда. Олтинчи космонавт Валентина Терешкова учинининг иккинчи кўнига мўлжалланган программани тугаллади. 17 июнь Москва вақти билан соат 22 да «Восток-5» йўлдош кемаси Ер атрофини 54-март айланиб бўлаётган эди. Валентина Терешкова бошқараётган «Восток-6» кемаси уша вақтда космосда 900 минг километр масофани босиб ўтиб, Ер атрофини 23-март айланиб чиқаётган эди.

Космонавтлар ўзларини жуда яхши ҳис қилмоқдалар, космосдаги иш шартинга тамомла кўникиб қолдилар ва бугунги кун давомида программаларга тамомла мувофиқ равишда катта ҳажмдаги илмий қўзатишларни ўтказдилар.

Валерий Биковский ва Валентина Терешкова учинининг бориши ҳақида бир-бирларига ахборот бериб турибдилар. Улар кемалардаги аппаратлар ва системаларнинг иши ҳақидаги ахборотларни, шунингдек Ердан олинган маълумотларини бир-бирларига хабар қилмоқдалар. Парвоз вақтида космонавтлар Ер билан мунтазам алоқа боғлаб турибдилар. Космик алоқа боғлашиши яхши.

Телеметрик маълумотлар кемалардаги аҳволнинг бекам-қўстлигини тасдиқлайди. «Восток-5» ва «Восток-6» кемаларининг кабиналарида ҳавонинг босими, ҳарорати, намлиги ва состави нормал.

Совет космик кемаларининг биргаликдаги парвози давом этмокда.

Валерий Биковский ва Валентина Терешковаларнинг биргаликдаги космик парвозининг учинчи кўни бошланди.

18 июнь Москва вақти билан еталаб соат 8 га қадар «Восток-5» йўлдош кемаси Ер атрофини 60 март, «Восток-6» йўлдош кемаси эса 29 март айланиб чиқди. Уша вақтгача «Восток-6» кемаси космосда 1 миллион 200 минг километр масофани учиб ўтди.

Кечаси космонавтлар ухлади. Уйқу 7 соат давом этди.

6-космонавт Валентина Терешкованин иш кўни Москва вақти билан соат 5-50 минутда бошланди. Валерий Биковский соат салкам 7 да уйғонди. Космонавтлар парвозининг нормал бораётганлиги, бордаги системаларнинг яхши ишлаётганлиги ва ўзларини яхши ҳис қилаётганликлари тўғрисида Ер-га хабар бердилар.

Телеметрик контроль маълумотларини «Восток-5» ва «Восток-6» кемаларидаги ҳамма системаларнинг беками-қўст бўлаглигини қўрсатади. Кечаси олинган ва космонавтларнинг ҳолатини характерлайдиган жуда кўп параметр ёзувлари ишлаб чиқилди. Дешифровка натижалари ҳар иккала космонавтининг оёқларида ухлаганини қўрсатади. Валерий Биковскийнинг уйқу вақтидаги томир уриш тезлиги минутига 45-52 март, Валентина Терешковада 52-60 март бўлди.

Кемаларнинг кабиналарида ҳаво ҳарорати, босими ва составининг олдиндан белгилаб қўйилган режими сақланиб турибди.

«Восток-5» ва «Восток-6» совет космик кемалари ўз парвозини давом эттирмокда.

Жонажон Ватанимизнинг пойтахти Москва радиоси Совет Иттифоқи граждани Валентина Владимировна Терешкованин чексиз космос сари парвоз қилганлиги ҳақидаги хўшхабарни эшиттирди. Аёл кишининг биринчи бўлиб самюга парвоз қилганлиги ёш космонавтика тарихи саҳифасига олтин харфлар билан ёзилди.

Хотин-қизлар орасидан чиққан қадирғоч космонавт Валентина Владимировнанинги номи биз учун



ОДДИЙ РУС ҚИЗИ

Оддий, камтаргина рус ўзидир у, Фазон ёритган кундузидир у, Ватанинги энг учқур юдузидир у, Фаршита эмасдир, Ер қизидир у, Чўлпонлар, Зухролар ҳавас-ла

бояр, тақар, Валя йигитлардек зўр қанот қоқар, Юзлари шафадан қиримиздир, у, Пахтонор қизга ҳам сингил-дугона, Самовий йигитлар икра ягона, Фалакка йўл олган жасур мардона — Халқнинг севган қизи, қош-қўн-дир у. Фазогир сингилмга қойилдир жаҳон, Сизга қанот берган Юрта шарафшон! Сомончи йўлларида юрарев Исмон, Нурли қадамининг чин изидир у.

Ҳамма НУРИЯ.

1963 йил 16 июнь.

ОФАРИН!

жуда азиздир. Чунки у фавқуллод жаасорат қўрсатиб ҳайбатли ва кудратли «Восток-6» кемасини бешинчи космонавт Валерий Федорович Биковский билан биргаликда бошқаришдек буюк ишончга ва шарафга муассас бўлди. Бу мислсиз қаҳрамонлик коммунизмнинг фидокор ва актив қўрувчилари

Киз-жувлордан етишиб чиққан биринчи космонавт—совет аёли парвозда, У қандай ажойиб қиз экан! Бу савол Тошкент области, Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номи колхозининг сўт-товар фермасида ишлаётган барча сўт соғувчиларини ҳам қизиттирмоқда. Ўзбек қизлари колхоз шофери олиб келган янги газетадан ўз дугоналарининг сўратига заъқ билан боқмоқдалар.

В. Кожеников ва В. Сваричевский фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚОЙИЛ!

Мана, пойтахтимиздаги Комсомол майдони. Бу ер шу кўнларда одатдан ташқари гажув. Фақат «Восток-5» ва «Восток-6»нинг парвози ҳақида гап бораёттир. Доира атрофида бир нуроний чол ҳаммани ўзига жалб қилган. У ҳаёлон билан сўзларди. Қизгин сўхбат бораётган катта давралда ТопДУ филология факультетининг 5-курс студенти Абдулла Аҳмаджоёв, «Таштрансмаш» заводининг қуюв чекки ишчиси Незметуллага Рафиков, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Физика-техника институтининг илмий ҳодим Абдурауф Алимов, 153-қурилиш трестининг гинг терувчиси Гани Махмудов ўртоқлар ҳам бор.

Улар ўз хис-туғилуларини, хурсандчиликларини бир-бирларига фахр билан таъйир беришарди.

— Шундай кўнларда ҳаёжонланмай бўладими, ахир,— дейди А. Алимов, — Совет шунқорлари Валерий ва Валентина Ватанимизнинг янги шош-шухратларга бурқайди. Ҳамма ҳайратда. Мен физика-техника институтида илмий ҳодим бўлиб ишлайман. Фан ва техника нимадари қодир эканлигини биз илмий ҳодимлар яхши билимиз.

— Сиз-ку, илмий ҳодим экансиз. Мен эса оддий ишчиман, — ҳаёжонини яшираолмай гапирга кетди Незметуллага Рафиков. — Биз қайси насб эгаси бўлмайлик, ҳарбиримизнинг ютуқларимиз ушун меҳнатимизнинг маҳсулидир. Ватандошларимиз жасорати бизни ишда яхши ишлашга руҳлантиради.

Майдондаги кишиларнинг сўхбати тобора авжга минарди. Давралдагилар ўз ҳаёжонларини тўқиб-сочига ошқарди.

Ҳа, ҳарбир совет граждани космонавтларимиз билан беҳад фахрланади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

А. АҚҚАРОВА,

врач,

БАҲОДИРЛИК МАНА БУНДАЙ БУПТИ

Тўрт самовий биродарларнинг кўнка парвозидан беҳад қўвонгандим. Чунки бу шунчаки училар бўлмади беқиёс баҳодирлик, улкан жасорат эди. Ахир бундай училар эртақчиларнинг тушига ҳам кирган эмас. Мана бу кўн бешинчи ва олтинчи фазокорлар Валерий Биковский ва Валентина Терешковалар парвози. Уларнинг жасорати жуда-жуда қўйилман.

Қаҳрамонларни воёга етказган, уларга жасорат, буқилмас ирода, улкан қанот берган партиямизга, ҳукуматимизга, халқимизга чексиз ташаккур.

Космосга парвозингиз беҳатар бўлсин, азиз ватандошларим!

Ф. НУРУЛЛАЕВ,

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхоз бригадир.

Редактор ўринбосари И. СЎЛТАНОВ

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 ИЮНДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Шоирлар-болаларга, 18.15 — Кинолар оламиде, 18.30 Телевизион янгиликлар, 18.50 — Ватанин кўнуб ўтаётганлар (ёшлар учун), 19.05 — Қишлоқ хўжалик ҳодимлари учун, 19.20 — Совет Ўзбекистони империалистларнинг янги асарлари.

Рус тилида: 19.45 — В. Костяри (ёзувчи кўналдигани), 20.15 — Телевизион янгиликлар, 20.35 — Комсомол прожентори, 20.55 — Лисистрата (Одесса музикали комедия театрининг спектакли), ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 19.10 — Турманистон («Қардош» республикалар савъати» циклидан), 19.35 — Совет Турманистони киножурнали.

Ўзбек тилида: